



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июль куни Тошкентга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари дўст Туркменистон халқига ва Президент Гурбангули Бердимухамедовга ўзининг чуқур хурмати илҳом элди ва самимий саломини йўллади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб, мустақамланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга шу йилнинг март ойидаги илк давлат ташрифи, май ва июнь ойларида «Аваза» сайёҳлик зонаси ва Қозғистон пойтахти Остонадаги амалий учрашувлар, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон билан Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга оширишни таъминлаётгани қайд этилди.

Айни пайтда келишувларга мувофиқ Ўзбекистон

ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд қўшма ташқи савдо шартнома ва битимларни амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, Туркменистонга навбатдаги пахта териш машиналари, культиватор ва бошқа замонавий техникалар етказиб берилди. Шу ойда Ашхободда Савдо-сервис маркази ўз фаолиятини бошлади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти корхоналари базасида Туркменистон темир йўллари ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Туркманобод — Фароб автомобиль ва темир йўл кўприкларини очилгач, мамлакатларимиз ўртасида транзит ташкилоти ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистоннинг фақат темир йўл орқали Туркменистон ҳудудидан ўтган экспорт юклари ҳажми 25 фоиз ошди.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Тошкентда Ашхобод боғини ташкил қилиш ишлари бошланди. Сентябрь ойида спортчиларимиз Туркменистон пойтахтида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларида иштирок этади.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустақамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур хурмати ва эзгу тилақларини етказди. Р.Мередов Туркменистон икки давлат ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 26 йиллиги oldidan

Мустақиллик — буюк келажак пойдевори

1991 йилнинг 31 август куни Республика Олий Кенгашининг XII қақриқ навбатдан ташқари VI сессияси иш бошлади. Сессияда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида маъруза қилди. Унда шундай сўзлар бор эди: «**Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масalani қўймоқчимиз: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.**»

Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг ушбу хоҳиш-иродаси барчамиз учун азиз ва мўътабардир. Мана, 26 йилдирки, мустақиллик бизнинг энг муқаддас туйғумимиз, буюк неъматимиз, энг олий қадриятимизга айланди. Шу йиллар мобайнида ўзбек халқи ва Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар содир бўлди, нималарга эришдик? Қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосини нималар ташкил этади? Бу ҳақда ўйлаганда беихтиёр куйидаги фикрлар хаёлдан кечеди:

мустақил тузум даврида Ўзбекистон ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, қўли қалта, қарам мамлакат эди. Бугун озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар мамлакатга айланди;

(Давоми 8—9-бетларда.)

Гуллаётган ёшлик чоғлари...

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг
«Ёшларга оид давлат сиёсати
самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-
қувватлаш тўғрисида»ги фармонини ўқиб**

...Иқтисод йўналишида таҳсил олаётган танишим бор. Интилувчан, ташаббускор, иқтидорли талаба. Бир одати бор: байрам кунларини санаб юради. Дунёнинг қайси мамлакатига қачон қандай байрам нишонланишини ёддан билади. Яқинда учрашиб қолдик. Оғзи қулоғида.

— Ака, байрамларимиз яна биттага кўпайди, — дейди

қувониб. — Бу кун биз — ёшлар учун қутилмаган соғна, юксак ишонч байрами бўлди.

У Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни», деб эълон қилинганини назарда тутаётган эди.

(Давоми 2-бетда.)

Ушхобдахчи селишлар



Зомин. Мусаффо табиати, ям-яшил арчазорлари, бир-бирига елка тутиб турган пурвиқор тоғлари, мангу баҳор кўшигини куйлаётган шўх сойларю бу қувноқ куйга рақс тушаётган турфа дарахтлари билан бизни ҳаммаша ўзига мафтун этган замин. Чиндан, Зомин — илҳомбахш гўша.

(Давоми 16-бетда.)

Гуллаётган ёшлик чоғлари...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу тариқа суҳбатимиз Президентимиз фармони-нинг мазмун-моҳиятига ўтди.

— Тукқан жойда туғинтик, деган мақол бежиз айтилмаган, — дейди у. — Халқимиз доно, толиб гапиради, ҳақ айтади. Ватан — бу инсонга тақдим этилган энг улуг неъмат. Унинг қадрига етиш, авайлаб-ардоқлаш, тараққиётга хизмат қилиш — олий бахт. Айтинг, ҳозир ўқийман, илм қиламан, ўсиб-улғаяман, деган ёшлар учун нима етмайди? Барча шариит муҳайё, имтиёзлар етарли. Янги фармон бизга янада куч-ғайрат, зўр илҳом бағишлади. Ўзимизни кўрсатадиган, юртимизга хизмат қиладиган ёшдамиз. Ака, кўнглимга тугиб кўйдим, фармонда таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотини олишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг мазкур фармони билан янги ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлар — келажақ бунёдкори" шиори остида ёшларнинг том маънодаги суянчига айланиши шубҳасиз. Фармонда ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгиланган. Унга кўра,

ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, Ватанга муҳаббат, келажаққа ишонч ҳиссини қарор топтириш, пухта билим эгаллашлари, маълум мутахассис бўлиб етишишлари учун зарур шароитлар яратиш, маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш,

этолмагани, том маънода Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмагани қайд этилган.

Мазкур йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва саманавий амалга ошириш,

"Темурбеклар мактаби" номи берилди. Эндиликда бундай шарафли номдаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларимиз юртимиз шаънини, осовишталогимизни муносиб ҳимоя қиладиган етук фарзанд бўлиб камол топади.

— Бундан барчамиз — ус-тозлар, ота-оналар, ёшларимиз ниҳоятда фахр-

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ёшлар сиёсати борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби бир қатор чора-тадбирлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганига қарамай, ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар мавжудлиги таъкидланган. Бунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз зиммасидаги мақсад ва вазифаларни тўлақонли ҳаётга татбиқ

ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш мақсадини кўзда тутувчи фармон мамлакатимиз ёшлари учун айни мударо бўлди.

Тарих гувоҳ, бу муқаддас заминимиздан не-не буюк алломалар, давлат арбоблари етишиб чиқмаган. Уларнинг шонли йўли, ҳикматию фалсафаси бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик ва фидойилик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб келмоқда.

Президентимиз фармонида бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинб, мамлакатимизнинг барча ҳарбий академик лицейларига

ландик, — дейди Тошкент шаҳридаги ҳарбий академик лицей директори ўринбосари Ўринбой Бобоев. — Лицейимизга "Темурбеклар мактаби" номи берилганини эшитган меҳнат таштилидаги ўқитувчиларимиз ҳам келиб, янги ўқув йили режасига ўзгартиш киритмоқда. Бу бизга катта масъулият юклатди. Энди Соҳибқирон бобомизга муносиб бўлишга барчамиз бирга ҳаракат қиламиз.

Фармон асосида "Ёшлар наشريёти уйи" ташкил қилинмоқда, "Қизларжон" журнални очиб кўзда тутилган.

Дилобар Маматова бу йил Навоий давлат педагогика институтининг она тили ва адабиёт факультетини тамомлади. У ҳозир пойтахтда. Журналистика факультетининг олий жур-

2017-йил 12-йул, № 55 (9016)

налистика курсига ҳужжат топширгани келган.

— Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани менга алоҳида мамнуният бағишлади, — дейди у. — Президентимизнинг бу борадаги фармони ўқиб кўнглим тоғдек улғайди. Шерлар машқ қилиб тураман. Ёшлар наشريёт уйининг ташкил этилиши айни мударо. Мазкур наشريётда биз каби ёшларнинг илмфан, адабиётга доир китоблари чоп этилади. Бу ижодкор ёшларни кўллаб-қувватлашда гоят аҳамиятлидир. "Қизларжон" журнали ҳам мамлакатимиз қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларида яқин кўмакчига айланишига шубҳа йўқ. Биз ҳам шу юксак эътиборга муносиб фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Яна бир гап. Фармонда мамлакатимиз ёшлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида ишлаётган ходимлар учун қатор имтиёз ва шароитлар яратилиши белгиланган. Бу ҳам ёшларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

...Фармонни қайта-қайта ўқийман. У биз, ёшларни яқиндан-яқин муваффақиятлар сари ундайди.

Улугбек АСРОПОВ,
ЎЗА

Янги ўқув йили янгиланган мактабда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Хўжайли туманидаги 69-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, мактаблар инфратузилмасини янада яхшилаш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берганди.

— Давлатимиз раҳбари ташрифидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Қодирбой Бектурдиев. — Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қара-

Prezident tashrifidan so'ng

тилаётир. Жумладан, 40 умумтаълим мактаби, 20 мактабгача таълим муассасаси биносини янгидан қуриш, реконструкция ва муқаммал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Икки мактаб давлат бюджети маблағи ҳисобидан, 38 мактаб инвестиция киритиш йўли билан таъмирланаётир. 3 мактаб биноси янгидан қурилиб, 2017-2018 ўқув йилида фойдаланишга топширилади.

Президентимиз тақлифи ва кўрсатмалари асосида Хўжайли туманидаги 69-умумтаълим мактабида жорий йил март ойидан муқаммал таъмирлаш ишлари бошланди. "Бахт Миратдин қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан таъмирланаётган мактаб Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

— Давлатимиз раҳбарининг ташрифи кўп нарсани ўзгартириб юборди, — дейди мактаб директори Тозагул Абдурахмонова. — Мактабимиз ҳаётида туб бурилиш бўлди. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун жуда кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактаб биносининг том қисмини янгиллаш, эшикдорларни замонавийларига алмаштириш, иситиш тизимида кўмир ва газда ишлайдиган ихчам қозонхоналар ўрнатиш ниҳоясига етказилди. Электр тармоғи бутунлай янгиланиб, водопровод ва канализация тармоқлари тортилди. Сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Ўқувчиларимиз янги ўқув йилини бутунлай янги кўламли касб этган замонавий мактабда бошлайди. Бу барчамиз учун ўзига хос байрам совғаси бўлади.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири

Қаршида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида турли оқимларга кириб кетишнинг олдини олиш, бунда оила, таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда таълим тизими мутасаддилари, Қарши шаҳридаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ақидапарастлик — хавфли таҳдид

Миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган, осовишталогимиз ва ёшларимиз келажақига жиддий хавф туғдирадиган экстремизм ва ақидапарастликка асосланган турли диний оқимларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, бунда маҳалла, таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Турли бузғунчи оқимлар ёшларни ўз томонига оғдиришда залолатга етакловчи сайтлардан унумли фойдаланмоқда, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Р.Усмонов. — Бугун бундай оқимларнинг инсонийликка мутлақо зид таълимотини тарғиб қилишда интернет сайтлари асосий воситага айланган. Афсуски, диний масалаларда уламолар томонидан ёзилган адабиётлар қолиб, бузғунчи сайтлардаги маълумотлардан фойдаланадиганлар ҳам учраб туради.

Тадбирда мамлакатимизда диний эътиқод ва виждон эркинлиги таъминланиши асослари, мутаассибликнинг ёшлар онгига, жамиятга салбий таъсири ва унинг янғичи оқибатлари хусусида маърузалар тингиланди. Галдаги вазифалар атрофича муҳокама қилинди.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА муҳбири



2017-yil 12-iyul, № 55 (9016)

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatli yili

Хар қандай муаммога ўз вақтида ечим топилса, пайдо бўлиш эҳтимоли бор камчиликларнинг олди олинади.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Халқ қабулхоналари фуқаролар билан мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш борасида янги тизимга асос солди. 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинишида ҳам ушбу боғлиқлик бор. Ўтган вақт мобайнида халқ қабулхоналари нафа-

мисолларни келтириб ўтсам. Жорий ўқув йили мактабимизнинг рус тили фани ўқитувчиси Р.Раҳимов узоқ вақт шифохонада даволанди. Шу сабаб мактаб маъмуриятига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ариза атрофлича ўрганилиб, махсус комиссия томонидан қаноатлантирилди. Еки кимё фани ўқитувчиси А.Қорабоев таълим-тарбия соҳасида эришган натижаларига биноан моддий рағбатлантиришни сўраб мурожаат қилди. Унинг иш фаолияти ўрганилиб, бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантирилди.

Раҳбар масъулиятли бўлса

шикоятга ўрин қолмайди

қат мурожаатларни қаноатлантириш, балки ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўришга ҳам хизмат қилмоқда.

Жумладан, таълим тизимида ташкил этилган Халқ қабулхоналари ҳам педагог-ҳодимлар, ўқувчи ва ота-оналарни қийнаётган муаммо ва камчиликларга ечим топилшга кўмаклашмоқда. Келиб тушаётган ариза, шикоят ва тақлифлар ўз вақтида, қонуний тартибда ўрганилиб, жойида бартараф этилмоқда. Энг муҳими, мутасаддиларда фуқароларнинг дардини эшитиш, мурожаатлар билан ишлаш маданияти шаклланиб бормоқда.

Бу тизимнинг ижобий самаралари ўзим ишлаётган таълим муассасасида ҳам сезилмоқда. Мактабимизда 22 нафар педагог фаолият кўрсатади. Ҳодимларга намунали иш шариоити яратиш, оилавий аҳолидан хабардор бўлиш мақсадида улар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб тураемиз. Уларни қийнаётган муаммоларни раҳбарият билан маслаҳатлашган ҳолда тез ва сифатли ҳал этиямиз. Шу боис, ҳодимларнинг муаммоларига ечим излаб юқори ташкилотларга ариза ёки шикоят ёзишга эҳтиёж қолмади. Аслида ҳам жойларда Халқ қабулхоналарини ташкил этишдан мақсад шу эди.

Сўзим исботи сифатида айрим

Бир қарашда бу мисоллар арзимасдек туюлади. Бироқ ана шу кичкина мурожаат эътиборсиз қолдирилса, жон куйдириб ишлаётганлар ўрнига таниш-билиш ёки раҳбарга яқин инсонлар рағбатлантирилса, жамоадаги соғлом муҳитга путур етади. Шу сабабли бошқарув жараёнида мактаб директорида бarcha жамоа аъзолари маслақдош ва кўмакчи бўлса, иш анча оson ва adolatli кечadi.

Мактабимизда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг ташаббуси билан "Ота-оналар ва фуқаролар" қабулхонаси ҳам ташкил этганмиз. Унинг фаолиятини ҳафталик мониторинг қилиб борамиз. Сўнги натижаларга кўра, мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилгани боис ариза ва шикоятлар юқори ташкилотларга чиқмаган. Бу ташаббус туман ХТМФМТЭБ томонидан ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Аслида ҳам ҳар бир масъул мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини тўлиқ англаши, жамият тараққиётига дахлдор бўлиши зарур. Шундагина кичик муаммолар тўпланиб, катта муаммолар илдиз отмайди.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ,
Булуңгур туманидаги 67-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

«Кўнглимиз ҳам юксалмоқда»

Сурхондарё вилояти Жаркўрғон туманидаги "Халқобод" маҳалласидаги ўқувчилар янги ўқув йилини интиқлик билан кутмоқда. Боиси, қишлоқдаги 54-мактабнинг эски биноси ўрнига янги, замонавий иншоот бунёд этилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси қурилиш ва моддий таъминлаш бўлими бошлиғи Ислам Сафаровнинг айтишича, 2017 йили ҳам вилоятда Инвестиция дастури асосида янги мактаблар қуриш, реконструкция қилиш ва мавжудларини капитал таъмирлаш изчил давом этмоқда.

Мактабга е'tibor — kelajakka е'tibor

— Жорий йил вилоятдаги жами 48 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилган. Бунинг учун 42,6 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Битта янги мактаб қурилса, 34 та мактаб реконструкция қилинади. 13 таси мукамал таъмирланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017—2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ишлар учун 20 миллиард 709 млн сўм маблағ ажратилган.

Юқорида таъкидлаганимиз, Жаркўрғон туманидаги "Халқобод" маҳалласида қад ростлаётган 315 ўринли ўқув муассасасининг қурилиш ишлари ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмайди. 80 ёшли Ёлғош Омоновнинг қурилиш ишларида бош-қош бўлаётгани сўзимиз исботидир.

— Авваллари колхоз идораси сифатида фойдаланилган бино кейинчалик мактаб учун мослаштирилганди. Синфхоналар тор, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўларди. Ўқув жиҳозлари — парта, доскалар эскириб қолганди. Кўшни қишлоқларда қурилган янги мактаблар ҳақида эшитиб, уларга ҳавасимиз келарди. Фарзандларимиз, набираларимизнинг шундай замонавий шариоитларга эга таълим муассасаларида ўқишини хоҳлардик. Инсон яхши ният қилса, албатта, орзуси ушларкан. Мана, бизнинг қишлоқда ҳам янги мактаб қад ростламоқда. Набираларим каби мен ҳам бундан қаттиқ ҳаяжондаман. Ҳар кун қурилиш майдонига келаман. Бино юксалган сари бизнинг кўнглимиз ҳам юксалмоқда.

Отахон билан суҳбатимизга қурилиш ишларига камарбаста бўлаётган ўқитувчилар ҳам қўшилди.

— Мактабимизда икки юз нафар ўқувчи таълим-тарбия олади, — дей-

ди мактаб директори Абдуҳолик Алихонов. — Эски, мослаштирилган бинода талаб даражасида дарс ўта олмасдик. Спорт зали йўқлиги учун жисмоний тарбия фани асосан синфхоналарда ўтиларди. Кимё, биология, физика фанларидан лаборатория хоналари бўлмагани сабаб, фақат назарий билимларни бериш билан чекланардик. 12х24 ҳажмга эга спорт зали барпо этилиши ўқувчиларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишига имконият яратди.

Янги бинода ўғил ва қиз болалар учун алоҳида технология фани хонаси ҳам қурилмоқда. Шу фан ўқитувчиси Хуршида Ҳимматованинг таъкидлашича, бу янги ўқув йили учун катта соғва бўлади. Шунингдек, олти-миш ўринли фаоллар залининг барпо этилиши турли кеча ва тадбирларни юқори савияда ўтказиш имконини беради.

— Мактабда тўрт нафар фарзандим таълим-тарбия олади, — дейди ота-оналар вакили Замон Омонов. — Энди улар ҳам бошқа тенгдошлари қатори янги ва шинам таълим масканида, замонавий жиҳозлар билан таъминланган синфхоналарда дарс ўқишини ўйласам, кўнглим ғурурга тўлади.

Янги мактаб қурилиш ишларини «Олим қурилиш транс» хусусий корхонаси қурувчилари олиб бормоқда.

— Бугунги кунга қадар ўқув биносининг биринчи қаватини тўла тиклаб, иккинчи қават қурилишини олти-миш фоизга бажардик, — дейди корхона раҳбари Тўра Кўнчинов. — Тўсиқ деворлари — элик фоиз, спорт залининг ер ишлари ва пойдевори юз фоиз, гишт териш ишлари — саксон фоиз бажарилди. Қурилиш ишларини белгиланган муддатда тамомлаб, мактабни янги ўқув йилига топшириш ниятидамиз.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Мактабнинг ободлиги

таълим-тарбия сифатига ижобий таъсир кўрсатади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 12 апрель кунини пойтхатимизнинг Чилонзор туманига ташир бу юриб, фаоллар билан учрашувда "Мактаб — таълим-тарбия маскани. Бу жойдаги ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Таълим муассасалари олдида доимо гул экилган, саранжом-саришта бўлиши керак", деб алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, муассасанинг ташқи кифаси бу ерда таълим-тарбияга эътибор қандай эканини ёрқин намоён этиб туради. Мактаб доимо обод ва озода бўлса, ўқувчи ўқитувчининг кайфияти кўтарилиб, ўқишга, ўқитишга иштиёқи ортади. Бунинг ўз мактабимиз мисолида қомил ишонч билан айта оламиз.

Муассасамиз ҳовлисида 200 тупдан зиёд ўрик, олма, тут, 60 тупдан ортиқ арча дарахти парваришланяпти. Мўъажизна лимонарий барпо этдик. Эрта баҳорда экилган гуллар қийғос очи-

либ, кўрган кишининг баҳридилани яйратади. Таълим-тарбия сифатини бирданига ошириш мушкул вазифа бўлганидек, обод маскани яратиш ҳам анча меҳнат талаб этади. Аввало, ниҳолларни тўғри парваришлаш, ўқитувчиларда мактаб мулкига ижобий ёндашувни шакллантириш, кўчатларни синдирамаслик, гулларни авайлашни ўргатиш зарур. Тарбиявий соатлар, дарсдан кейинги машғулотларда доимо ўқувчиларга мактабимиз ободлиги, саранжом-саришталигини асрашга доир тушунчалар бериб борилади. Шу сабаб ўқувчиларимиз мактабдаги ҳар бир ниҳолни эҳтиёт қилиш, зарур бўлса, парваришлагани интилади.

Мактабдаги саранжом-сарришталик қишлоқ аҳли кай-

фиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, шу йил эрта баҳорда жонажон мактаби худудига турли дарахт ва гул кўчатлари экилаётганини кўрган ўқувчилар ҳам ҳовлисига дарахт экишга киришиб кетди. Ҳомийларимиз томонидан мактабга тортиқ қилинган дарахт кўчатларидан бир қисмини оилаларга тарқатдик.

Мактабимиз 2005 йили капитал таъмирдан чиқарилиб, икки қаватли бино ва замонавий спорт зали бунёд этилди. Физика, кимё ва биология ўқув-лаборатория хоналари зарур анжомлар билан таъминланган. Информатика фан кабинетигаги 12 та компьютер ва шунча нетбук дарсларни АКТ асосида ташкил этишда қўл келмоқда. Масканинг обо-

длиги, барча шарт-шариоитлар мужассамлиги таълим-тарбия сифатига ҳам бевосита таъсир қилиб, ўқувчиларнинг ДТС талаблари асосида билимларни ўзлаштиришида муҳим омил бўлмоқда.

2014 йилда таълим масканига директор сифатида тайинланганимда рейтинг кўрсаткичлари бўйича тумандаги 176 мактаб орасида 93-ўринда эдик. Муассасани ободонлаштириш, давоматни кўтариш, машғулотларга АКТни кенг жорий этиш, ўқитиш сифатини ошириш борасидаги изчил ишларимиз туфайли бугун мактабимиз таълим сифати кўрсаткичлари бўйича туманда 26-ўринга кўтарилди.

Айни пайтда ўқув йили ниҳояланиб, якуний аттестация имтиҳонлари ҳам туга-

ди. Янги ўқув йилига тайёргарлик қизгин кечмоқда. Ёзги мавсумда дарахт ва гулларни парваришлаш, худудни янада яшнатиш учун ҳодимлар бириктирдик. Токи янги ўқув йили бошлангунга қадар экинларимиз сувсизлик ва қаровсизликдан қуриб қолмасин.

Бундан ташқари, шу кунларда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ўқув биноси, спорт зал, йўлак ва синфхоналарни жорий таъмирлаш, дераза ойналари, стол-стулларни бутлаш, иситиш тизимини келгуси ўқув йили учун соз ҳолга келтириш ишлари жадал борапти. Кузқиш мавсумига ҳозирлик ишларини қанча барвақт ларгасак, ўқитувчи-педагогларимизнинг ҳам кўнгли хотиржам тортиб, бор эътиборни янги ўқув йилига методик жиҳатдан тайёргарлик қўришга қаратишади.

Қамбар РЎЗИЕВ,
Чирокчи туманидаги 119-мактаб директори

Дикқат, танлов!

«ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хотирасини, унинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритишга, миллий давлатчилигимизни қуришга қўшган улкан ҳиссаси ва Ислам Каримов шахсининг тарихий ролини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш мақсадида "Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танлов ташкилотчилари — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Кўрик-танлов бир босқичда Ислам Каримовнинг 80 йилги арафасида ўтказилади.

Кўрик-танловга 2016-2017 йилларда республика ҳамда хориж газета ва журналларида чоп этилган, интернет нашрларида берилган материаллар 2017 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

"Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танлови ғолиби махсус диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг **100** баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган иккита иштирокчи диплом ва энг кам иш ҳақининг **75** баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган учта иштирокчи диплом ва энг кам иш ҳақининг **50** баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Шу билан бирга, кўрик-танлов ташкилотчилари рағбатлантирувчи мукофотларни ҳам таъсис этган.

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловга миллий ва хорижий газета ҳамда журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган ишлар қабул қилинади.

Кўрик-танловга тақдим этилган илмий-оммабоп мақола ларни баҳолашда куйидаги мезонлар қўлланилади:

— Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мустақиллигини қўлга киритишга, миллий давлатчилигини қуришдаги тарихий роли ва улкан ҳиссаси ёритиб берилганлиги;

— Ислам Каримовнинг буюк шахс, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифатидаги ҳаёти ва серқирра фаолияти ёритиб берилганлиги;

— Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва мустақамланиши тарихи ёритилганлиги;

— тарихий ҳақиқатга тўғри келиши;

— илмий манбалардан кенг фойдаланганлиги;

— юқори илмий, бадиий савияда ёзилганлиги;

— кенг китобхонларга мўлжалланганлиги.

Кўрик-танловга юборилган материалларга куйидагилар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

— муаллифнинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар, уй ва иш телефонлари рақамлари;

— муаллифнинг паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2018 йил 30 январь — Ислам Каримов таваллуд топган куни ўтказилади.

Материаллар "Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100163, Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 1/1-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-53-91.
Электрон почта манзили: immm@mail.uz;
majmua@mail.uz.

Қабул жараёни қизгин бормоқда

Қарши давлат университетида қабул жараёни учун барча шарт-шароитлар яратилган. Стендларда магистратура ва бакалаврият қабули бўйича зарур кўрсатмалар қайд этилган.

Шунингдек, фарзандларига ҳамроҳ бўлиб келган ота-оналар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Соя-салқин жойлар, тиббиёт хонаси, китоб-дафтар дўконлари, яна ичимликлар шохбчалари, нусха кўчириш мосламалари, сура-ратхоналар барчага бирдек

хизмат кўрсатмоқда. Қабул комиссияси техник ходимлари абитуриентлардан хужжат қабул қилишда уюшқоқлик билан фаолият олиб бораётир.

— Жорий ўқув йилида университетимиз бакалавр йўналишларига 1400 нафар, магистратура мутахассисликларига эса 52 нафар ёшлар учун қабул квоталари ажратилган, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Шаҳобиддин Нуриддинов. — Ушбу ўқув йилидан бошлаб ихтилология ва гидробиология

магистратура мутахассислиги бўйича хужжатлар қабули бошланди.

— Хужжатларимни жисмоний маданият йўналишига топширдим, — дейди яққаболлик Темур Аҳмедов. — Бу ерда яратилган шарт-шароитлар менга маъқул. Мақсадим — ўқувчилик касби бўйича олий маълумотга эга бўлиш ва келгусида жисмоний тарбия фанидан ёшларга сабоқ бериш.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Янги мутахассисликлар

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги етакчи ўқув юртиларидан бири бўлган Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам 48 бакалаврият таълим йўналиши, 22 магистратура мутахассислиги бўйича абитуриентлардан хужжатлар қабул қилинмоқда.

Қувонарлиси, 2017-2018 ўқув йили учун университетда энергетика; метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти; технология машиналар ва ускуналар; озиқ-овқат технологияси; доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш техникаси каби янги мутахассисликлар очилиб, ёшлар учун талабалик бахтига эришиш имконияти анча кенгайди. Бу йилдан бошлаб университетнинг ҳуқуқ, молия, иқтисод, бухгалтерия ҳисоби каби мутахассисликларида таълим олиш фақат тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтидан касбий таълим: дизайн, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида эса зоотехния (балиқчилик) таълим йўналиши янгидан очилди. Уларга жами 25 нафар талаба қабул қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида эса ўтган йиллардагидек 5 таълим йўналиши бўйича жами 200 нафар

талаба ўқишга қабул қилинади. Уларнинг 55 нафари давлат гранти, қолгани тўлов-шартнома асосида таҳсил олади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалида ҳам қабул жараёни қизгин давом этмоқда.

— Бу йил фармация мутахассислиги янгидан очилди, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Қўяниш Дошмуратов. — Унда таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб борилади. Янги ўқув йилидан 15 нафар талаба давлат гранти, 25 нафари тўлов-шартнома асосида таҳсил олади.

Бу йилги ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак, давлош иши, педиатрия иши мутахассислиги 7 йилдан 6 йилга, тиббиёт-профилактика иши эса 6 йилдан 5 йилга қисқартирилди. Шунингдек, бу ерда давлат гранти асосида 77 ўринга мақсадли қабул амалга оширилмоқда. Унга кўра, Қорақалпоғистон ҳудудида доимий яшайдиган, шу ердаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олган ёшларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади (фармация мутахассислигидан ташқари 5 та йўналишда мақсадли қабул жорий этилган).

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Битирувчиларга диплом топширилди

2016-2017 ўқув йилида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини 22 таълим йўналишида 1353 нафар бакалавр ва 8 мутахассислик бўйича 30 нафар магистр муваффақиятли тамомлади. Шу муносабат билан олий таълим муассасасида битирувчиларга диплом топшириш тадбири бўлиб ўтди.

— Институтда ҳар ой ва ҳар куним мазмуни ўтди, — дейди қорақалпоқ тили ва адабиёти йўналиши битирувчиси Турсунгул Отарова. — Яратилган имкониятлардан самарали

фойдаланиб, қатор танловларда ижобий натижаларга эришдим. Адабий кеча ва илмий конференцияларда фаол иштирок этиб, керакли билим ва тажриба тўпладим. "Юрт келажаги", "Юксак маънавиятли авлод" танловларининг худудий босқичида, "Тафаккур синовлари", "Солиқ билимдонлари" танловларининг мамлакат босқичида биринчи ўринни қўлга киритдим. Шундай ютуқларга эришимда, албатта, устозларимнинг ҳиссаси катта. Уларга самийий миннатдорчилигимни билдирган ҳолда келажакда институтда тўрт йил

мобайнида эгаллаган билимларимни ёш авлодга ўргатишга, устозларга муносиб издош бўлишга ҳаракат қиламан.

Мазкур таълим муассасасидан кўндал им-фан намояндалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академик ҳамда профессорлар етишиб чиққан. Тадбирда сўз олганлар бу йилги битирувчилар ҳам келажакда ана шундай улуг инсонлар йўлини давом эттириб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида фидойий меҳнат қилишига ишонч билдирди.

МУХБИРИМИЗ

«Бинафша»да қувнаётган болалар

Шеърхонлик боланинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириб, оғзаки нутқини бойитади. Кўндал назимий намуналарни ёд олган 5-синф ўқувчиси Фарзона Нарзуллаева шеърхонлик танловига ғолибликни қўлга киритганида тенгқуларининг унга ҳаваси ортгани тайин.

Юнусобод туманидаги 122-умумтаълим мактаби қошидаги "Бинафша" спорт-соғломлаштириш майдончасида ўтказилган китобхонлик, шеърхонлик тадбирлари бу масканда ёзги таътилни мароқли ўтказётган 70 нафардан ортқ болаларнинг жону дили.

Инглиз тили тўғраги ҳам болалар учун се-

вимли ва қизиқарли бўлиб, унга қизиқувчи ўқувчилар қамраб олинди. Ҳар бир машғулотнинг ўйин, мусобақа тарзида ўтказилиши болаларнинг чет тилларни ўрганишга иштиёқини янада оширади. «Ёш мусаввир», «Моҳир қўллар» тўғрагида эса болаларнинг ижодий қобилиятларини чархлашга хизмат қилувчи машғулотлар олиб борилмоқда.

Соғломлаштириш майдончасидаги «Гимнастика», «Ҳаракатли ўйинлар», «Стул тенниси», «Футбол», «Шахмат», «Шашка» тўғрақлари доим болалар билан гавжум.

— Қундузги соғломлаштириш майдончамизда ўтказилган "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!" шиори остидаги танлов ўқувчилар учун чинакам байрамга айланди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нодира Сопиева. — Мухтасар айтганда, ёзги таътил доирасида ўтказилган мусобақаларда жажжи иштирокчилар ўз маҳоратини намоён этиб, янги ўқув йилида юксак билим чўққиларини эгаллаш учун куч тўпламоқда.

Барно ХАМРОҚУЛОВА,
Мадина АЛЛАЁРОВА



2017-yil 12-iyul, № 55 (9016)

Академик лицейларнинг ўқув режа ва дастурлари

уларни ишлаб чиқишда кўплаб омиллар эътиборга олинishi зарур

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби академик лицейлар фаолиятида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш вақти келди. Шу мақсадда ушбу таълим муассасалари фаолиятида амалда бўлган ўқув режа, дастур ва ўқув адабиётларини танқидий кўриб чиқиб, қайта яратиш лозим.

Янги ўқув режа ва дастурларни яратиш зарурияти

Таъкидланганидек, академик лицейлар фаолияти чуқур таҳлилга, ундаги ўқув режа ва дастурлар қайтадан танқидий кўриб чиқишга муҳтож. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 мартдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастурламанам вазифасини ўтайди. Зеро, қарорнинг 4-бандида "...тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олган ҳолда академик лицейларнинг ўқув режалари ва дастурларини қайта ишлаб чиқиб, ...бунда ўқитишнинг 3-босқичидан бошлаб чуқурлаштирилиб ўрганиладиган фанлар бўйича ўқитиш соатлари сонини кўпайтирган ҳолда қайта тақсимлаш" назарда тутилгани эътиборга молик.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

— ҳозиргача қўлланиб келинаётган ўқув режа ва дастурларни танқидий таҳлил қилиб, қайтадан тузиш;

— бу жараёнга етакчи услубунос олимлар, тажрибали педагоглар, амалиётчи-психологлар, тиббиёт ходимларини кенг жалб қилиш;

— махсус комиссиялар томонидан ўқув режа ва дастурларнинг муқобил ва риантларини тузишда ҳозирги давр фан-техника ютуқлари, ривожланган мамлакатлар тажрибалари, миллий менталитетимиз, ўқувчиларнинг ёш хусусиятини инобатга олиш;

— яратиладиган ўқув режа ва дастурларда умумтаълим фанларига ажратилган соатларнинг фанга оид маълумотларни ўрганишга етарлигини ҳисобга олиш;

— тузилажак муқобил ўқув режа ва дастурларни академик лицейларда муайян муддат қўллаб, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш, бу бўйича илгор, тажрибали фан ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил этиш.

Ушбу янги талаблар асосида тузилган ўқув режа ҳамда дастурларни академик лицейлардаги шароитни ҳисобга олиб, ўн беш фоизгача ўзгартириш қилишга руҳбат берган ҳолда амалиётда қўллаш тавсия этилади.

Ўқув режалар асосида ўқув дастурларини тузиш-

да мактаб ва академик лицейлар ўртасидаги ўзвийликни таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун айрим такрорий мавзуларнинг оптималлаштирилган ҳолда ўқитилишини таъминлаш, ўқувчилар ёш хусусиятини ҳисобга олиб, нисбатан мураккаб мавзуларни олий таълим муассасаларига ўтказиш лозим.

Янги дарсликлар — давр эҳтиёжи

Кейинги пайтда яратилган ўқув-услубий адабиётларда айрим жузъий камчиликлар учраётгани ҳақиқат. Масалан, айрим саҳифалардаги расмлар ҳам эски китоблардаги расмларнинг айнан ўзи (расмлар, чизмалар ва жадвалларни замон талаби асосида рангли қилиб яратиш вақти келди). Ҳатто айрим дарсликларда таъриф, теорема ва қонуниятлар рус тилидан гализ таржима қилинганидан ранжийсиз. Ёки назарий билимлардан сўнг берилган амалий топшириқлар ҳамма ўқув режасида кўрсатилган дарс соатларига мос келмайди.

Эндиликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилган ҳолда, замон талабига мос, такомиллаштирилган ўқув дастурлари асосида ўқув-услубий адабиёт ва дарсликлар яратиш зарур. Бунинг учун етук олимлар, тажрибали методистлар, илгор ўқитувчилар иштирокида ўқув адабиётларини яратиш бўйича эркин рақобат муҳитини юзага келтириш муҳим. Жумладан, муайян муддатда ўқув-услубий адабиётлар яратиш бўйича танловнинг низомини ишлаб чиқиб, оммавий ахборот воситалари орқали жойларга етказиш ва иштирокчиларнинг ишларини қабул қилиш, уларни таҳлил этиб баҳолаш мақсадида махсус комиссия тузиш, унинг зиммасига қабул қилинган ишларни ҳолис баҳолаш маъсулиятини юклаш керак. Танловга фан дастурини тўлиқ қамраб олган ёки фаннинг муайян бўлган ёритилган ишларни ҳам қабул қилиш ва пировардида ягона дарслик яратиш пайтида маъқул деб топилган мазкур бўлган миқдорнинг номи билан китобга киритишни кўзда тутиш керак. Бу жараёнга республикамиздаги фаол ўқитувчиларни жалб қилишга эришилса, яратиладиган ўқув-услубий адабиётлар сифати янада яхшиланади.

Дарсликлар ўқув-методик мажмуанинг асосий ҳисобланади, унинг атрофида қолган ўқув воситалари ва манбалари жамланади. Дарслик ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ўқитиш манбаи ҳамдир. Шу маънода, тайёрланган замонавий ўқув-услубий адабиётлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда ўқувчиларнинг дунёқараши, билим савияси, қизиқишлари, фан бўйича фундаментал маълумотларга эгаллиги ҳамда ўзлаштира олиш қобилиятини ҳисобга олиш;

— яратилган адабиётлар ўқув режа ва дастур талабларига, таълимнинг ўзвийлигига тўла мос келишига эътибор қаратиш;

— яратилажак дарсликларнинг ўқувчилар тушунадиган содда ва мукамал усулда ёзилишига эришиш, мавзулардаги тушунчалар ва топшириқларнинг соддадан мураккабга тарзда берилиши ҳамда мавзуларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга эришиш;

— физика фани дарсликларига фан-техниканинг замонавий ютуқлари, чет эл тажрибалари, шунингдек, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улўғбек, Али Қушчи, Қори Ниёзий, Иброҳим Мўминов каби олимларнинг илмий ишлари ҳақида маълумотлар киритиш;

— дарсликлар дизайнига алоҳида эътибор қаратиш, ундаги маълумот ва расмларнинг ўқувчилар диққатини тортишини ҳисобга олиш;

— назарий маълумотни мустақамлаш учун мантиқий топшириқлар, қизиқарли масалалар, мустақил ишлар, уч даражали тестлар, уйга вазифаларни киритиш;

— турли тасдиқ ва теоремаларнинг исботи ҳамда мантиқий масалалар ечимининг бир неча усулини бериш;

— ҳар бир мавзудаги маълумотларнинг ўқувчи ақлий ва ижодий қобилиятини ривожлантириши, фикрлаш доирасини кенгайтириши, мантиқий таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириши, қатъияти ва изчиллигини тарбиялашини ҳисобга олиш;

— фанлараро боғлиқлик, фанга оид тарихий маълумотлар ва билимларнинг кундалик турмушдаги ҳамда ишлаб чиқаришдаги ролини ҳисобга олиш;

— ҳар бир боб охирида бажарилиши лозим бўлган мустақил ишлар мавзуси ва турининг тахминий рўйхатини бериш ҳамда



Fikr, mulohaza, taklif

уни бажариш учун қўшимча адабиётлар, интернет манзилларини келтириш;

— фақат назарий маълумот билан чекланмаслик, амалий кўникмаларни шакллантирувчи муаммоли саволлар, лойиҳалар, машқлар ва ижодий топшириқларни кўпайтириш;

— топшириқлар ва вазифалар кўлами ўқувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини бериш;

— ўқув материали ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, шартли тасвир ҳамда чизмаларни мутаносиб тарзда жойлаштириш.

Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги — сифатли билим омилли

Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги таълим муваффақияти ва самарасининг гаровидир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи дарсга сифатли ва пухта тайёрланмасдан кириши инсонийликка, виждонга, юрт келажагига хиёнат эканини англаб, иш ҳақини ҳалоллаб олиши керак.

Дарс самарадорлиги ўқитувчининг билими, салоҳияти, иш тажрибаси, педагогик маҳорати, фидоқорлиги ва ҳар бир дарсга тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Дарс йирик бир саҳна асаридек гап. Шу маънода, ўқитувчи ҳар бир дарс сценарийсини машғулотдан олдин миясида пишитиб, дарс учун керакли адабиётларни ҳамда кўргазмали қуролларни йиғиши, мавзуга илмий ёндашган ҳолда машғулот мақсадини тўғри танлаши керак.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги икки босқичдан иборат:

1. Ўқитувчининг ўз фани юзасидан умумий тайёргарлиги.

2. Ўқитувчининг ҳар бир дарсга кундалик тайёргарлиги.

Ўқитувчининг ўз фани юзасидан умумий тайёргарлиги мунтазам амалга ошириб бориладиган жараён бўлиб, ўқув йили бошланиши олдида қуйидагиларни қамраб олади:

— ДТС, ўқув дастури, ўқув режа ҳамда уларга берилган тушунтириш хатларини ўрганиб чиқиш;

— ўзи дарс берадиган ўқув фанига оид янги илмий, ва методик адабиётларнинг мазмуни билан танишиб, давр билан ҳамнафас бўлиш;

— лицейда мавжуд те-

гишли кўргазмали материалларни, ўқув жиҳозларини ўрганиш, уларни қўллаб билиш;

— илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ўз билим ва маҳоратини ошириш;

— компьютер техникасидан фойдаланиш маҳоратини ошириш, электрон дарсликлар ва интернет маълумотларидан унумли фойдаланиш;

— ўз фани юзасидан ўқув-методик мажмуа тайёрлаш.

Ўқитувчининг дарсга кундалик тайёргарлиги энг асосий вазифалардан биридир. Дарсга тайёргарлик қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

— тақвим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган соатни аниқлаштириш ҳамда шу мавзуга мувофиқ вақт бўйича режалаштириш;

— ўқув дастуридан ўтиллаётган мавзу юзасидан ўқувчида қандай тушунчалар шакллантирилиши лозимлигини аниқлаштириб, шу асосда дарс мақсадларини белгилаш;

— мавзу асосида дарсда фойдаланиладиган техник воситалар, электрон манбалар, слайдлар, кўргазмали ва дидактик материаллар, адабиётларни ўрганиб, дарс ишланмасини ёзиш;

— дарс ишланмасини тайёрлашда гуруҳдаги ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, қизиқиши, лицейдаги мавжуд шароитларни ҳисобга олиш;

— ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда ўзида назарий билимлардан ташқари, мавзуга оид амалий топшириқлар (таянч иборалар мазмуни, машқлар таҳлили, мисол ва масалалар ечими, тасдиқ ва қонуниятлар, лаборатория ишлари ҳамда кимёвий реакциялар)ни ўзи бажара олиш кўникмасини шакллантириш.

Ўқитувчи мазкур талаблар асосида дарсга пухта тайёргарлик кўрса, иши унумли бўлиб, шогирдларнинг билими ошади.

Исроил ЖўРАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 2-Қоровулбозор академик лицейи физика фани бош ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Исмоил САЛОМОВ,
шу академик лицей математика фани бош ўқитувчиси

Самарали интерфаол ўйинлар

Биология фанида мураккаб мавзу ва илмий атамалар кўп. Уларни ўқувчиларга осон тушунтиришда интерфаол методлар ёрдам беради. Интерфаол таълим ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро мулоқот усулидир. Куйида юқори самарадорликка эга бўлган усуллардан бир нечтасига тўхталиб ўтамиз.

"Почта" усули барча ўқув мавзуларини ўрганиш жараёнида қўлланади. Аввал ўқитувчи столнинг кўзга кўринарли жойига мавзуга мос энг зарур ёзувлар битилган бир неча конверт жойлаштиради.

Масалан, 9-синфда "Хужайранинг элементар таркиби" мавзусида 6 та конвертга куйидагилар ёзилади:



Сўнг ўқувчиларга С, Н, О, N, Fe, Ca, Zn, J, Br, Co, Mo, Cr, Mn, B, S, K, Na, хлорофилл таркибига кирради, суяк тўқимасида учрайди, жинсий гормонлар фаоллигини оширади, гемоглобин таркибига учрайди, кўзгалувчанликни таъминлайди каби маълумотлар ёзилган қоғозчалар тарқатилади. Улар конвертларга ана шу сўзлардан мосини солиши керак. Ким саволларга кўп ва

аниқ жавоб топса, юқори балл олади.

"Аниқлаштириш ва исбот" усули экспериментал масалалар ечишда юқори самарадорликка эга. Уни қўллашда ўқувчилар уч гуруҳга ажратилади. Мавзуга тегишли экспериментал масала топширик сифатида гуруҳларга тақдим этилади.

8-синфда "Энергия алмашинуви" мавзусига доир

9-синфда эса бу усулни "ДНК узунлигини аниқлаш" мавзусига доир масалалар ечишда қўллаш мумкин.

Масала: ДНКнинг умумий занжирини 720 та нуклеотид бўлса, ДНКнинг узунлигини ва ундан синтезланган оқсил таркибидеги аминокислоталар сонини аниқланг.

Ҳар бир гуруҳ берилган масалани ўз услубида ечиб бўлгач, биттадан ўқувчи чиқиб, ечим усулини тақдим қилади. Энг аниқ ечимга эга гуруҳ голиб саналади.

"Эслаб қол ва тўлдир" машқида ўқитувчи 20-30 та ўсимлик номини айтади. Ўқувчилар хотирада сақлаб қолганларининг номи ва уларнинг оиласи, ҳаёт шакли, пояси ҳамда баргининг тури, тўпгули ва мева турларини дафтарларига ёзишлари керак. Бу машқи 6-синфда "Бир ва икки уруғпаллади ўсимликлар синфига тегишли бўлган оилалар" мавзусига доир умумлаштирувчи дарсларда, 5-синфларда "Ўсимликларнинг ҳаёт шакллари" мавзусини мустаҳкамлаш жараёнида қўллаш самара беради.

Садоқат КЎЧУКОВА,
Жондор туманидаги 49-ИДУМ ўқитувчиси

Билим олиш жараёнида о'қувчиларни "Қандай ва қайси усуллар билан фаоллаштириш мумкин", degan savol har bir o'qituvchini qiziqtirib keladi. Ta'lim jarayonida pedagoglar o'qitishning juda ko'p ilg'or usullarini izlab topgan. Bu usullarning ayrimlari guruhni o'qitishga mo'ljallangan bo'lsa, ayrimlari individual ta'limga moslashtirilgan. Barchasi o'quvchilarda iste'dod va iqtidorni, ijodkorlik qobiliyatini shakllantirishga, mehnat qilish ko'nikmalarini namoyon etishga qaratilgan.

Ishbilarmon o'quvchi o'z mehnati qiymatini biladi

Bola nimani yaxshi ko'radi, degan savolga "o'yinni" degan javob eng to'g'ri bo'ladi. Shu bois darslarni ba'zan turli ta'limiy o'yinlar vositasida olib borish bolalarning qiziqishini orttiradi. Biz darsda "Ishbilarmonlik o'yinlari"ni ko'p qo'llaymiz. Qilgan mehnati, ijodini baholay olish, uni boshqalarga namoyish eta bilish ko'nikmasi har bir inson hayotida asqotadi. Ushbu o'yinlar esa o'quvchining shu boradagi layoqatini o'stiradi.

"Ishbilarmonlik o'yinlari" natijasida o'quvchilarda tadbirkorlik, tejamkorlik xislatlari ortayotganini sezaman. O'yin musobaqasida o'quvchilar o'zlarini pishirib kelgan shirinlik yoki tikib kelgan buyumlarga narx qo'yib sotishga harakat qilishadi. Har bir o'quvchining o'z mahsulotini ixtiyoriy narxlashi chog'ida men bolalarning ishonchini, atrofga o'zini solishtirish orqali qanday xulosa chiqarayotganini kuzataman. Mahsulotni sotish jarayoni tendrusulida o'tkaziladi, bunda ko'p ovoz olgan guruh g'olib deb topiladi.

"Pazanda" guruhi ishtirokchisi qo'lda shirinlik solingan likopcha bilan rolga kiradi:
— Keb qoling, ob qoling,
"Sog'lomjon — polvonjon"
shirinliklariga. Yeganlar darmonda,

yemaganlar armonda. O'zimizning tabiiy sut, qaymoq, tuxum, bug'doy uni va qand lavlagidan tayyorlangan. Ta'mi og'zingizda qoladi. Olib yeyish istagida bo'lganlar "Sog'lomjon — polvonjon" deb yozib bizga zudlik bilan murojaat etsin.

"Chevari" guruhi ishtirokchisi: (Yelkasiga quroq va kashadan tikilgan sumka ilib olgan). Keb qoling, ko'rib qoling. Kashta va quroqdan tayyorlangan "Bilimlar xazinasi" deb nom olgan sumkalarni o'z qo'llarini bilan tikkanman. Bu sumkalarda darsdan tashqari mashg'ulotlarga, to'garaklarga o'quv qurollarini solib borishingiz mumkin. Ko'tarishga qulay, yelkaga taqildigan tasmagini uzun yoki kalta qilib taqishingiz mumkin. Ruchka va qalamlaringiz sinib qolmasligi uchun ichida alohida yumshoq cho'ntagi ham bor. Ipak va paxtali gazlamalardan tikilgan. Kim olishni istasa, "Bilimlar xazinasi" deb yozib, bizga zudlik bilan murojaat etsin.

Ikki nafar o'quvchi yozuv bor varaqalarni yig'ib chiqadi va o'qituvchi ko'p ovoz olgan guruhni e'lon qiladi.

Nafisa SA'DULLAYEVA,
Xatirchi tumanidagi 34-maktabning mehnat ta'limi fani o'qituvchisi

Avgust kengashlari oldidan

Ўқувчи нега ўзлаштира олмайди?

Автобусда кетаётиб, икки йўловчининг суҳбати қудожимга чалинди. 30-35 ёшдаги икки аёл болаларини мактабдан олиб қайтмоқда. Улардан бири мактабда ўқитувчиларнинг яхши дарс ўтмаслигидан нолиб, ўзларининг пасивлигидеги фақат устозларни қоралар эди. Иккинчиси унинг гапини тасдиқлаб, "Бизда ҳам худди шундай муаммо. Нима эмиш, ўзим яхши ўқимасмиш", дея нотаниш ҳамкасбарларини масъулятсизликда, ўз ишига совуққонликда айблашар эди.

Чидаб туrolмадим. Секингина "Фарзандингиз ёнида устозини ёмонламаган. Хурмат қилмай кўяди", дедим уларга. Икки она аввал бир-бирига, сўнг менга қаради ва энсаси қотандек "Хм" деб чимирилиб қўйишди.

Ўқувчининг яхши ўзлаштира олмаслигига ким айбдор: ўқитувчиси, ота-онами ёки ўқувчининг ўзи?

Саволга жавоб топиш мақсадида ўзим ишлайдиган мактаб ўқитувчилари иш жараёнини кузата бошладим. Хаммаси ўз ишига масъулиятли ва фаол. Аммо ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, билим самарадорлиги турлича. Муаммога қандай омиллар таъсир кўрсатиши ҳақида сўровнома ўтказишга қарор қилдим. Синф раҳбарларидан ўз жамоасидаги ўқувчилар билимини таҳлил этиб, паст ўзлаштирувчилар рўйхатини сўрадим. Бошлангич синф раҳбарлари ўз синфидаги умумий муҳитни тасвиқлаб беришди. 655 ўқувчидан 199 нафари ўзлаштиришда қийналаётганини аниқладим.

Сўровномада синф раҳбари қуйидаги жадвалларга эътибор беришини сўрадим:

1. Оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг бефарқлиги (мактабда ўрганади; билим бериш ўқитувчининг вазифаси; ўзи мустақил ўрганган, деган қарашнинг мавжудлиги).

2. Оилада катта, ўрта, кичик авлод вақилларининг яшashi (буви-бува, ака-ука, опа-сингил, амма, амаки).

3. Ота-онанинг ажралиши (нотуўлиқ оила).

4. Ота-онанинг фарзандлари билан

яшамаслиги (яъни, чет элга ишлаш учун кетиб, боланинг бошқа оила бошлиқлари, буви-бувалар қўлида қолиши).

5. Ота-онанинг билим савияси пастлиги ва педагогик жиҳатдан саводхон эмаслиги.

6. Билиш, ўқиб-ўрганиш жараёни талаб даражасида ташкил қилинмаган (бола мактабга таълим муассасасига бормаган, уйда ҳам у билан етарли даражада шуғулланилмаган).

7. Ижтимоий муҳитга мослаша олмаслик (бола тортинчоқлиги, уятчанлиги туфайли ёки назорат сустигидан дарс қолдириб, ўқитувчида ўқувчига нисбатан салбий муносабат шаклланиши).

8. Жисмоний нуқсонли борлиги ва касалликка кўп чалиниши (нутк, эшитиш, кўриш, таянч ҳаракат аъзоларида нуқсонли борлиги туфайли синфдошларига қулги бўлиши).

Тадқиқот натижаларига кўра, ўқувчининг фаол ўзлаштира олмаслигининг сабаби, асосан, ота-онанинг бефарқлиги, яъни уларда билим бериш мактабнинг вазифаси, деган қарашнинг шаклланилиги экани маълум бўлди. Қолаверса, ота-оналар рўзгор тавшиши билан банд бўлиб, фарзандининг ўқишини назорат қилишга вақт ажрата олмайди. Ўқувчининг кўп дарс қолдириши, унда билиш жараёнининг етарли ривожланмаганлиги, тортинчоқлиги, ўз имкониятларига паст баҳо бериши ўзлаштирилмасликка яна бир сабаб эканлиги ойдинлашади.

Ҳар бир синф раҳбарига ота-оналар йиғилишини ўтказиш тақлифини айтдим. Махлисидега қатнашдим. Сўров-

нома натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарга фарзанди билан қандай ишлаш кераклиги ҳақида ўз тавсияларини бердим:

— бола билан ижобий-ҳиссий мулоқот ўрнатиш;

— агар муносиб бўлса, болани мактаб қўйиш;

— дарс тайёрлаш учун аниқ вақт ва доимий жойни белгилаш;

— уй вазифаси бажарилишини ҳар кун назорат қилиш;

— бола топшириқни бажараётган вақтда чалғимасликка ўргатиш;

— ўқишда ёрдам бериш учун иккинчи даражали ишларни четга суриш;

— тезда самарага эришмаса, умидсизликка тушмасликни ўқитиш;

— муваффақиятсизликка босиқлик билан қараш, жазоламаслик, бақирмаслик;

— болага ёрдам беришни тақлиф этиш зарур.

Ўқитувчи қандай чора кўриши керак:

— ўқувчининг ўқув фаолиятини мақташ, муваффақияти учун замин яратиш, дарсда фаол ишлаш ва уй вазифасини бажаришга ундаш орқали уни рағбатлантириш;

— доимий назорат, ўқувчи билан тез-тез мулоқотда бўлиш, барча уй вазифаларини текшириш, ўқув ишларида ўз-ўзини доимий назорат қилишга ўргатиш;

— ўқувчининг мустақил ишини ташкил қилиш орқали ўзлаштирилмасликка барҳам бериш, унга бириктирилган тенгдошига йўл-йўриқ кўрсатган ҳолда ўзаро ёрдам ташкил қилиш;

— дастурий материалнинг катта қисми ўтказиб юборилганда, ўқувчи билан қўшимча дарс ўтказиш;

— сўраш даврида алоҳида хайрихоҳлик муҳитини яратиш. Сўраш суръатини пастайтириш, доска олдида узокрок

тайёрланишига рухсат бериш;

— ўқувчиға жавобнинг намунавий режасини тақлиф қилиш, уни яхши баҳо, мақтов билан рағбатлантириш;

— янги мавзунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш. Боланинг ўқув материалини тушунонлик даражасини аниқлаш учун саволлар билан тез-тез мувожаат қилиш;

— мустақил ишни ташкил қилишда паст ўзлаштирувчи гуруҳлар учун машқлар сонини қўпайтириш эмас, балки уларнинг самарали тизимини танлаб олиш. Топшириқни бажариш кетма-кетлигини муфассалроқ тушутириш;

— қўтилиши мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисида оғохлантириш, йўналтирувчи ҳаракат режаси бўлган қарточкадан фойдаланиш. Топшириқни бир неча босқичга бўлиб чиқиш. Аввал бажарилган ўқув топшириқларини эслатиш;

— топшириқни бажариш услуби ёки амалларини эслатиш. У ёки бу ҳаракат, қондан фаоллаштириш заруратини кўрсатиш. Ушбу масала ёки машқни бажариш учун зарур бўлган қонда ёки хусусиятини эслатиш;

— топшириқни бажаришнинг мақбул йўллари, уларни расмийлаштиришга бўлган талаблар тўғрисида йўриқнома бериш. Паст ўзлаштирувчиларга хатоларини кўрсатиб бериш, хатосини текшириш ва уни мустақил тузатишига ёрдамлашиш.

Таълим жараёнида бир-бирига узвий боғлиқ юқоридеги жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир синф раҳбари ўз жамоасидаги ўқувчилар орасидан паст ўзлаштирувчиларни аниқлаб олиши, берилган тавсияларни қўллаб, уларни фаоллаштириши мумкин.

Матлуба ТОҒАЕВА,
Миробод туманидаги 125-мактабнинг амалиётчи психологи

2017-yil 12-iyul, № 55 (9016)

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Boshlang'ich ta'lim

Boshlang'ich ta'lim umumiy o'rta ta'limning poydevori hisoblanadi. Shu bois mamlakatimizda boshlang'ich ta'lim sifatini oshirishga alohida e'tibor berilmoqda. O'qituvchilar darsda ilg'or pedagogik texnologiyalar va o'qitishning interfaol usullaridan keng foydalanmoqda. Har bir ta'lim muassasasida boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun qiziqarli o'quv-metodik adabiyotlar, jumladan, elektron resurslarning katta zaxirasi mavjud.

Sifatli ta'limiy faoliyatni multimedia materiallari orqali tashkil etish an'anaviy uslublarga nisbatan afzalligini o'qituvchilar anglab yetdi. Noan'anaviy dars olib borish natijasida o'quvchilarning fikrlash qobiliyati o'sadi; bir vaqtning o'zida ham ko'radi, ham eshitadi; o'quvchilarga ko'proq bilim beriladi; darslarning samaradorligi oshadi; boshlang'ich sinf o'quvchilarining kompyuter savodxonligi shakllanadi; darslarda toliqib qolmasligi uchun didaktik materiallarni animatsiyalar orqali ko'rsatish imkoniyati mavjud; o'rganilayotgan materiallarni kichik lavhalarga ajratgan holda yoki qayta namoyish etish mumkin.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy salohiyati va ma'lumot darajasi, zamonaviy ta'lim metodikasini bilishi ta'lim sifatini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Afsuski, ayrim o'qituvchilar hali ham dars jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va multimedia vositalaridan, ta'lim tizimiga oid saytlarda berilgan metodik tavsiyalardan yetarlicha foydalanmayapti.

Yangi o'quv yilida boshlang'ich ta'limni takomillashtirish orqali o'quv-

tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirishga oid bir qator dolzarb muammolarga yechim topishimiz kerak. Bular:

— boshlang'ich ta'limning kompetensiyaviy yondashuv asosida ishlangan o'quv dasturlarini bosqichma-bosqich amaliyotga tatbiq etish, ya'ni 2017-2018-o'quv yilidan 1—4-sinflarda va 2018-2019-o'quv yilidan 2—3-sinflarda amaliyotga joriy qilish;

—2017-2018-o'quv yilidan 1—4-sinf va 2018-2019-o'quv yilidan 2—3-sinf darslik va o'quv qo'llanmalarining mazmuni kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturiga mos bo'lishini ta'minlash hamda o'qituvchilarni bu jarayonga o'quv seminarlari va malaka oshirish kurslari orqali tayyorlash;

— kasbiy kompetentligini, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim pedagogikasi va bu sohada ilg'or tajribalar, boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi hamda kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturlari talablarining bajarilishiga erishish;

— dars jarayonida ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida 1—4-sinf o'qituvchilari uchun yaratilgan metodik qo'llanmalar hamda darsliklarning multimedia ilovalaridan barcha boshlang'ich sinf o'qituvchilarining samarali va to'liq foydalanishiga erishish;

— ta'lim-tarbiya jarayoni, dars mashg'ulotlarining sifati tashkil etilishini ta'minlash maqsadida o'qituvchining kasb mahoratini oshirish;

— joylarda oliy ta'lim muassasalari hamda hududiy xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlari professor-o'qituvchilarini birlashtirgan holda umumiy o'rta ta'lim muassasalari negizida boshlang'ich ta'lim sifat-samaradorligini oshirishga qaratilgan "Mahorat maktablari" faoliyatini takomillashtirib borish. To'plangan samarali ish tajribalarini va ilg'or pedagogik texnologiyalarni barcha umumta'lim maktablari boshlang'ich sinf o'qituvchilariga harakatdagi o'quv seminarlari orqali yetkazish.

Avqust kengashining boshlang'ich ta'lim bo'yicha sho'ba yig'ilishlarida quyidagi mavzularda bahs va munozaralar o'tkazish tavsiya etiladi:

1. 2017-2018-o'quv yilida boshlang'ich ta'limda kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturlari asosida boshlang'ich ta'limni tashkil etishning dolzarb masalalari.

2. 1-sinf o'quvchisining o'quv jarayoniga moslashuvini ta'minlash.

3. Boshlang'ich sinflarda iqtidorli bolalar bilan tizimli ishlash yo'llari.

4. Boshlang'ich sinflarda matematika faniga dasturlashning sodda elementlarini singdirib o'qitish masalalari.

5. Ona tili darslarida o'quvchilarning yozma nutq malakalarini rivojlantirish.

6. "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" fanlarini o'qitish jarayonida o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish.

7. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturlari asosida 1—4-sinf darslik va o'quv qo'llanmalariga kiritilgan o'zgarishlar haqida.

8. 4-sinf o'qituvchilari uchun yaratilgan 7 nomdagi metodik qo'llanma va darsliklarning multimedia ilovalaridan foydalanish yo'llarini o'rgatish.

9. Boshlang'ich ta'limning ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha vazifalari va tarbiyaviy soatlarni sifatli tashkil etish.

10. O'z ustida ishlash — o'qituvchining kasbiy pedagogik mahoratini oshirishning asosiy omili.

11. Boshlang'ich sinflarda fanlararo integratsiya masalalari.

12. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida kitobxonlik madaniyatini shakllantirish.

13. O'quvchilar bilimidagi bo'shliqlarni aniqlash va ularni bartaraf etish yo'llari.

14. O'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirishda "O'qish kitobi" darsliklari multimedia ilovalarining o'rni.

15. Masofaviy videoseminarlar orqali fanga tegishli bo'lgan ma'lumotlardan foydalanish.

16. O'quvchilarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etishning samarali usullari.

Shuningdek, ijodkor boshlang'ich sinf o'qituvchilari hamda "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovi g'oliblarining ilg'or ish tajribasidan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Informatika va axborot texnologiyalari

Yangi o'quv yilida informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitishda 2016-2017-o'quv yilida amalga oshirilgan ishlarni xulosalash, yutuq va kamchiliklarni e'tiborga olish, yangi o'quv yilida amalga oshirilishi zarur bo'lgan vazifalarni rejalashtirish, avgust kengashi sho'ba yig'ilishini yuqori saviyada tashkil etish yaxshi samara beradi.

O'qituvchilar umumta'lim fanlarini o'qitishning uzluksizligi va izchilligini ta'minlash, zamonaviy metodologiyasini yaratish, majmualarning yangi avlodini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish, Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori haqida to'liq tasavvurga ega bo'lishlari kerak. Mazkur fan "Informatika va axborot texnologiyalari" deb nomlangani, o'quv rejaga 5—7-sinf uchun dars soatlari davlat ixtiyorida soatdan ajratilgani, sinflarni ikki guruhga bo'lib o'qitish imkoniyati yaratilganligini o'qituvchilar his etishi kerak. Ularni fan va texnika olamida ro'y berayotgan so'nggi yangiliklar bilan tanishtirish zarur.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, avgust kengashlari sho'ba yig'ilishida quyidagilarga alohida e'tibor qaratishni tavsiya etamiz:

— umumiy o'rta ta'limning tayanch o'quv rejasini;

— umumiy o'rta ta'limning o'quv dasturi;

— umumiy o'rta ta'limning malaka talablari;

— baholash tizimi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari informatika va axborot texnologiyalari ta'limida

o'rganilgan o'quv materiallarining 2017-2018-o'quv yilidan 10—11-sinflardagi hamda akademik litsey va kasb-hunar kollejaridagi informatika va axborot texnologiyalari ta'limida takrorlanmasligi, o'quvchilarning yosh va psixologik xususiyatlari, umumiy o'rta ta'lim tayyorgarligiga mos kelishi hamda informatikaga oid tushunchalarning asta-sekin o'qitish konsepsiyasiga hamda dasturlashning tayanch tushunchalarini (mantiqiy amallar, algoritmlar, blok-sxemalar va hokazo) shakllantirish metodologiyasiga tayanish maqsadga muvofiq.

O'quv dasturida fanlararo integratsiyaga katta ahamiyat berilgan. Informatika va axborot texnologiyalari fanini "Iqtisodiy bilim asoslari", "Tejamkorlik saboqlari" kurslaridagi misol va topshiriqlarni yechish orqali o'zaro integrallab o'rgatish mumkin.

O'qituvchilar taqvim mavzu reja tuzishda quyidagilarga e'tibor berishi tavsiya qilinadi:

— mavzular ketma-ketligi;

— mavzudagi bilim, ko'nikmalarni ajratilgan vaqtda to'liq bayon etib berish imkonini;

— topshiriqlarda kompe-

tensiya elementlarini shakllantirishga.

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan o'quv dasturini jarayonga tatbiq etishga e'tibor qaratilishi sho'ba yig'ilishida o'qituvchilarning o'zaro fikr almashishi orqali ma'lumot jamlash va yo'riq-noma shakllantirishiga olib keladi. Yig'ilishda ko'pi bilan ikkita asosiy masalani kun tartibiga qo'yish va qolgan masalalarni muhokama davomida muammo ko'rinishida kiritish va yechimiga o'zaro bahs-munozara orqali erishilishi kerak. Sho'ba yig'ilishi qiziqarli o'tishi uchun ko'proq o'qituvchi fikrini tinglash va olib borilayotgan ijodiy yangiliklarni qo'llab-quvvatlash katta ahamiyatga ega.

Dunyo sanoatining 1980-yildan elektronika, mikrosxemalarga o'tishi va yangi operatsion sistemalar joriy etilishi, rivojlangan davlatlarda elektron hukumatning jadal qo'llanishi muhandislik ta'limiga ehtiyojni oshirib yubordi. Shuning uchun yangi o'quv yilidan boshlang'ich sinflarning matematika darslarida dasturlash elementlaridan ilk saboqlar kiritilmoqda.

Fan mazmunini yoritishda elektron axborot-ta'lim resurslaridan foydalanib dars samaradorligiga erishgan o'qituvchilarning ishlarni sho'ba yig'ilishlarida o'rganish va doimiy uchrab kelayotgan muammolarni bartaraf etishga qaratilgan

masalani muhokamaga qo'yish maqsadga muvofiq.

Sho'ba yig'ilishlarida o'quvchilarning darslikdagi mavzularni to'liq o'zlashtirishida qanday to'siq yoki sabablar mavjudligini ham muhokama qilish muhim. 2017-2018-o'quv yilida 6—7-sinf darsliklari yanada takomillashtirilib, unda o'quvchi yosh xususiyati hisobga olingani, bu darslik amaldagi DTS va o'quv dasturiga mosligi haqida fikr almashiladi.

Umumta'lim maktablarida mavjud texnika vositalaridan o'quv jarayonida oqilona foydalanishni yo'lga qo'yish, qolaversa, soha xodimlari boshqa fanlarda ham AKTni qo'llash bo'yicha targ'ibotchi bo'lishini tushuntirib berish kerak.

Hozirgi yosh avlod zamonaviy texnika va texnologiyalarni yaxshi biladi. Ular an'anaviy uslublarda emas, balki audio, video, animatsiyalarga boy multimedia, turli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida ta'lim olishni istashmoqda. Mana shu talablardan kelib chiqqan holda, respublikamizda elektron darsliklar va qo'shimcha adabiyotlar hamda elektron resurslarni ishlab chiqish, ularni ta'lim jarayoniga tatbiq etish yo'lga qo'yilgan.

Elektron axborot-ta'lim resursi (EATR) zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida o'quv uslubini, mustaqil ta'lim olish-

ning samarali usullarini qo'llash orqali o'quv materiallari va ilmiy ma'lumotlarni har tomonlama chuqur o'zlashtirishga mo'ljallangan elektron manbadir. U o'quvchida mustaqil ta'lim olish, ijodiy fikrlash malaka va ko'nikmalarini shakllantiradi.

Bugungi kunda EATRlar nafaqat soha mutaxassislari tomonidan, balki o'quvchi va o'qituvchilar tomonidan ham yaratilayotgani kishini quvon-tiradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev joriy yil 30-iyun kuni «O'zbekiston Respublikasida axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash choratadbirlari to'g'risida»gi farmonni imzoladi.

Mazkur farmon sohada qator imkoniyatlarni yaratadiki, ularning mazmun-mohiyatini avgust kengashlarida atroflicha o'rganish maqsadga muvofiq.

Ushbu talablardan kelib chiqib, dastur tuzishga layoqatli o'quvchilarni ajratib olish, ularning iqtidorlarini ro'yobga chiqarishiga ko'maklashish, munosib rag'batlantirish kerak.

Sho'ba yig'ilishlarida fanni o'qitishdagi muammolar, ularning yechimi, darslarni tajriba-tadqiqotdan o'tgan ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilish, o'quv jarayonida o'quvchilarda mustaqil fikrlash kompetensiyasini shakllantirishga yo'naltirilgan masalalarni kompyuter yordamida yechish mashqlarini o'tkazish, elektron axborot-ta'lim resurslari, multimedia o'quv filmlari hamda qo'shimcha qo'llanmalardan oqilona foydalanish maqsadga muvofiq.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

26 йил аввал мамлакатимиз ҳар ёқасига келиб қолган, иқтисодиёти инкирозга учраган, бирёқлама ривожланган, пахта яккахоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган sanoat индустриясига эга, рақобатбардшо экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозориди ўз ўрнига эга бўлиб бораётган давлатдир;

“СОБИК ИТТИФОК” даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юритиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака “давлат” бўлган бўлса, бугун Ўзбекистон жаҳон саҳнида тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда тинчликсевар ташаббуслари қўллаб-қувватланаётган, ўз ички ва ташқи сиёсатини изчил юритаётган, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни тобора чуқурлаштириб бораётган мамлакатга айланган;

26 йил аввалги ўз дини, тили, тарихи, миллий қадрият, анъаналаридан мусово этилган, кўнгли синик, эртанги кунга ишончи сўниб бораётган халқдан фарқли ўлароқ, бугун жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимиз, аждодлари руҳини шод этаётган, буюк уч мингйиллик давлатчилик тарихидан ҳақли равишда фахрлана оладиган, ўз миллий маданияти, санъатини ривожлантираётган, уни дунё саҳнида гурур билан намойиш этишга маънавий ҳаққи бўлган халқимиз.

Мана, 26 йилдирки, энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва шодибанлик билан, алоҳида бош гоя асосида нишонлаш анъанаси қарор топди. Бош гоя халқимизни янада жипсроқ бирлаштириб, уни ягона мақсад билан йўналтиришга ундамоқда. Президентимиз тақлифига кўра, Мустақилликнинг 26 йиллигини “**Фидойлик бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!**” деган бош гоя асосида ташкил этиш,

Ўтказиш тавсия этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди буюк ва бебаҳо неъмат — мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирини, келажаги учун беқийс аҳамияти йиллар ўтгани сари тобора ортиб бораётгани, давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва ошуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустақам пойдевори бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу йилги бош гоянинг асосий маъноси “фидойинг” сўзига сингдирилган бўлиб, бу бир айтишдаёқ барчамизга сезилади. Ҳўш, “фидойинг” сўзи нимани англатади? Бу сўз, аввало, “фидо”, “фидокор”, “фидокорона” каби сўзлар билан ҳамохан бўлиб, “ўзини фидо қилиш”, “сафарбар этиш”, “чексиз садоқатни намойиш этиш” деган маъноларни беради.

“Ўзини фидо қилиш” инсон ўз эзгу мақсадларига эришиш учун ўзини сафарбар этиш, “...чексиз садоқатни намойиш этиш” дегани. Бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, тан олишга мажбурмиз, мамлакатимизни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган камчилик ва муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш учун эса ҳар биримиз ўз ўрнимизда жонимизни фидо қилиб меҳнат қилишимиз талаб этилади. Мақсадни, маррани бандоб олсагу, ҳаётимиз, турмушимиз кечагидан фаровон,

гўзал бўлишини истасак-да, ишимиз суръатини, сифатини оширмасак, пассив фаолият билан қаноатлансак, давлатимиз қаердан бой бўлиши, қандай қилиб фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришимиз мумкин? “Фидойилик” кечаги кундан бугун кўпроқ, сифатлироқ, унумлироқ ишлашни, таққослашни, мушоҳада юритиб, таҳлил этишни, хулоса чиқариб, эртанги кун учун янгидан-янги режалар белгилашни талаб этади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бир иборани кўп такрорламоқда. Бу ҳар биримизнинг “ўзинимизни қийнашимиз” билан боғлиқ фидойиликдир. Ҳўш, ҳамма ҳам “ўзини қийнаш”ни истайдими, гап шунда. Аслида, фидойи инсонларга хос бу ҳолатни “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, “Олма пиш, оғзимга туш” қабилада иш тутувчи боқи беғам, дангаса, ўз манфаатини ҳар қандай вазиятда устун қўювчи лоқайд, бевурд кимсалар тасаввур ҳам қила олмайдилар. Улар учун фидойилик, Ватан ва миллат тақдирини қайғуриш мутлақо бегона тушунчадир.

Гарчанд барчамиз ҳам табиатан доимо эркинликка, хотиржамликка, жоннинг роҳатини кўзлашга мойил бўлсак ҳам, болалиқда берилган мукамал тарбия ва умримиз мобайнида эгаллаган хислатларимизга кўра, давлатни ривожлантириш, ҳаётимизни гуллаб-яшнаштиш масаласига турлича қараймиз. Ҳаёт фақат роҳату фарогатдан иборат эмас. Барча моддий бойликлар қачондир инсон манфаати йўлида соврилиб, тугаб қолмаслиги учун ўз маънавий хислатларимизга таянишимиз керак. Шундай экан, истезмолчилик, боқимандалик, тайёрга айёрлик кайфиятда юрган айрим юртдошларимизда “бунёдкорлик” туйғусини уйғотиш аллақачон давр заруратига айланади. Фаровон, обод ҳаёт ва турмуш фақат истакхоҳиш билангина пайдо бўлмайди.

Бунинг учун мўлжални тўғри олишга асосланган режа, чора-тадбир, шунга яраша ҳаракат, курашиш, меҳнат қилиш лозим. Қолаверса, кечагига нисбатан бугун, бугунгидан эса эртага янада фаровон яшаш учун доимо ҳаракатда бўлишимиз зарур. Ана шу ҳолатни муҳтарам Президентимиз “ўзини қийнаш”, дея ифода этмоқда.

Бугунги фуқароларимиз тафаккур тарзи, ўй-хаёлида тевақар-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қилиш, мўлжални тўғри белгилаш кўникмаси шаклангани қувонарлидир. Дунёқарашларда жиддий эволюцион ўзгариш рўй берганлигини мустақиллик тухфаси, деб баҳоласак, асло муболаға қилмаймиз. Халқимиз ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилиш, адолатсизликка мурасасиз бўлишга ўрганмоқда. Бу ҳолат кишилар ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий са-

водхонлиги, эътиқоди мустақамлашиб бораётганидан далолат беради.

Миллат учун қайғурайлик

Бугунги кунда катта-кичик муаммолар қўпинча оддий фуқароларимизни қийнаб қўймоқдаки, унинг ечимини топа олмаган кишилар ҳақида муҳтарам Юртбошимиз турли вилоят ва туманларга бориб, ҳақиқий манзара билан танишган чоғида билиб оляпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ариза ва шикоятларнинг аксарияти оддий фуқароларимиз турмуш тарзида учраётган камчилик ва нуқсонлар эканлиги сир эмас. “Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари ўз фаолиятини бошлагандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича қарийб 890 мингга яқин фуқаро ариза билан мурожаат қилган, — дейди Шавкат Мирзиёев. — Ушбу мурожаатларнинг 93 фоизи ўрганилиб, тегишли жавоб қайтарилди. Мурожаатларнинг қолган қисми эса, айни пайтда мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Алоҳида таъкидлаш зарурки, фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 80—90 фоизи асосли ва ўринли бўлиб, улар йиллар давомида эътибор қаратилмасдан, тўпналиб қолган муаммолар эканини таҳлиллар кўрсатмоқда”.

Бундай муаммолар ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётимизнинг барча баҳбаларида мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш бутун жамиятимиздан катта сафарбарликни талаб этади. Муҳтарам Президентимизнинг ушбу қарориди мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мамлакатимиз ва халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг истиқболли йўллари кўрсатиб берилди. Булар жами 5 та таъминий ва гоёда ўз ифодасини топган.

Бу йилги мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва нишонлашда “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” деган тамойилга суяниш, амал қилиш тавсия этилмоқда. Жуда катта мазмунни ўзида мужассам этувчи бу гоя ўзбек халқининг мард ва тантлиги, келажакни ёрқин тасаввур эта олиши билан узвий боғлиқдир. Мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш каби масалаларни ҳал этиш орқалигина буюк келажакни барпо этиш мумкин. Бунда мақсадни тўғри ва аниқ қийиш, унга интилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Ma’rifat

2017-йил 12-йул, № 55 (9016)

— буюк келажак пойдевори

Оддий инсонни ўйлаймизми?

Мамлакатимиз раҳбари давлат, унинг ташкилот, идоралари билан халқ ўртасидаги алоқалар ҳаддан ташқари расмийлашиб кетганлиги, шунингдек, оддий одамнинг ғам-ташвишлари, мавжуд адолатсизликларга айрим катта-кичик амалдорлар томонидан эътибор қаратилмаётганини кенг жамоатчиликка маълум қилиб, эски, қотиб қолган механизмни янгилаш заруратини кун тартибига қўймоқда. Бунинг замирига сингдирилган мақсад шунчалар улугвор ва аҳамиятлики, оддий халқ ҳаётида учраётган адолатсизликлар бартараф этилса, демак, у давлат ва жамиятдан рози, ана шундагина жамият янгиланади, ўзгаради, инсон манфаатлари поймол этилган ҳолат ўрнини уни улуглаш, қадрлаш эгаллайди. Энг ёмони — жамиятимизда илдрокотлар, коррупция, таъмағирлик, товламачилик, фирибгарлик қилиш, содда, самимий кишиларни алдаш, чап бериш эвазига “бунёд этиладиган” ҳаёт эмас, балки ҳалоллик ва хотиржамликка асосланган турмуш барпо этилгани минг қарра афзал эмасми?

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 2017 йил январь ойида “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимизда коррупцияга нисбатан мурасасиз кураш олиб бориш муҳитини юзага келтирмоқда. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари маъмур масала бўйича сўровнома ўтказганида, реал ҳақиқат ойдинлашди. Респондентларнинг 56,8 фоизи жамиятимизда коррупция борлигини таъкидлаганлиги анча қорқсаткичдир. Тадқиқотда қатнашган 76,3 фоиз ватандошларимиз фикрига кўра, порахўрлик иллати ҳамма жойда эмас, балки жамиятнинг айрим соҳаларидагина учрамоқда. Масалан, сўровномада иштирок этганларнинг 37,6 фоизи томонидан солиқни сақлаш, яъни тиббий коррупция энг кўп илдиэ отган соҳа сифатида кўрсатилган. Таълим соҳасида эса бу рақам 31,4 фоизни ташкил этар экан. Иштирокчиларнинг ҳар тўртинчиси айрим ҳуқуқ-тартибот органлари коррупциялашган, деган фикрни билдирди. Шунингдек, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат, банк, солиқ ва боғхона идоралари, ҳокимликлар ҳамда бошқалар фаолиятида ҳам коррупция кузатилиши билдирилган.

Бу хол ҳақли равишда норозиликни келтириб чиқараётгани барчамизга аён. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарининг қарориди “**Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**”, деган тамойилга алоҳида ургу берилган. Бу тамойилга қатъий амал қилиш жамиятимизда илдиэ отган иллатларни тағтомири билан қўпориб ташлашга хизмат қилаётганини бугунги ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Аслида, Юртбошимизнинг халқ олдида очиклик, ошқоралик тамойиллари асосида чиқиши, юртдошларимизнинг оғирини энгил қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари мамлакатимизда адолатли, кучли, ҳур ва озод жамият барпо этиш йўлида қуруқ ваздалар

Бинобарин, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий қудратини ўз фуқаролари моддий қудратига кўрмоқда. Бундай кенг қўламли вазифани адо этиш учун эса аҳоли-

бериш эмас, амалий ҳаракатлар қилинаётгани, ҳақиқий натижага эришилаётганидан дарақдир. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Президенти иқтисодиётни янада ривожлантириш, либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар бутун халқимиз, айниқса, ёшлар тарафидан қизғин қўллаб-қувватланаётгани ижобий ҳодисадир.

Халқ бой бўлсин

Қарорда “**Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**”, деган гоёни фуқаролар орасида тизимли равишда кенг тарғиб этиш лозимлиги белгилаб берилди. Бу бежиз айтилмаяпти. “СОБИК иттифоқ” ўзини камбағалларвар ва инсонпарвар қилиб кўрсатар, шу аснода бутун жамиятни бой-бадавлат кишилар билан курашиш ва уларнинг саъй-ҳаракатларини қоралашга ундарди. Бошқача айтганда, ўша даврда камбағаллик “шон-шараф” эди. Аммо бугун давр ўзгарди, ўша замоналарнинг сиёсати ўтмишда қолди. Мамлакат раҳбарияти, ҳукумат юртдошларимизга шунчалик имконият яратиб бермоқдаки, энди бой бўлмастликнинг илужини йўқ. Ўтган қисқа муддат ичида фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имкон яратувчи қўллаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога йўналтирилди. Тадбиркорлик билан шуғулланишга хоҳиш-истаги бўлган юртдошларимизга қиядорлик-тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит маблағлари берилаётгани ушбу фармон ва қарорлар самарасидир. Қолаверса, ислом таълимотида бой бўлиш яхши эканлиги, мулкнинг ҳалол йўл ва меҳнат билан топилиши инсонни янада улуглайдиган ҳолат эканлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, биз, ким бўлишимиздан қатъи назар, доимо кам-кўстисиз, бой-бадавлат яшашга, фаровонликда турмуш кечиришга интиламиз. Орзуга айб йўқ, аммо унга эришиш осон эмас. Бунинг учун ҳар бир инсон, биринчидан, ўзидаги дангасалик, ишёқмаслик, лоқайдлик, бепарволик, мавжуд ҳолатдан қониқиш каби иллатлардан фориғ бўлиши лозим. Иккинчидан, жамият аъзоларини бой қилишдан давлатнинг ўзи манфаатдор бўлиши лозим. Бундай манфаатдорлик эса одамларга ишлаш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун муносиб шарт-шароит яратиш орқали келишини бугун барчамиз англаб ётмоқдамиз. Агар давлат бундай шароитни яратсаю, одамлар ўзидаги боқимандалик кайфиятини йўқотолмаса, бу давлат ва жамият тараққиётига таъсир кўрсатади.

Бинобарин, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий қудратини ўз фуқаролари моддий қудратига кўрмоқда. Бундай кенг қўламли вазифани адо этиш учун эса аҳоли-

